


**UZA** | O'zbekiston  
Milliy axborot  
agentligi



**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА  
ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ**

**(ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)**

**2022 ЙИЛ ЯНВАРЬ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА  
ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ (ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)**

**Илмий нашр**

**2022 йил январь оyi сони**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги ОАК Раёсатининг 2019 йил 28 мартдаги 263/7.1 ва 263/7.4-сон қарорига биноан ташкил этилган.

Электрон журналга келган мақолаларга жавоб қайтарилмайди, журналда эълон қилинган мақолалардан олинган парчалар ЎЗА Илм-фан бўлими (электрон журнал)дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Электрон журналга бир ярим оралиқдаги материаллар “Microsoft Word” редактори, “Times New Roman” шрифтида электрон версия шаклида қабул қилинади.

**Таҳрир кенгаши**

А.Кўчимов

Қ.Ш.Омонов

А.С.Сагдуллаев

С.С.Ғуломов

Ф.Г.Назиров

Р.Д.Курбанов

М.Ҳ.Рустамбоев

Ш.Т.Қудратхўжа

Н.А.Ҳусанов

Б.А.Назаров

А.Асқаров

Д.Ю.Юсупова

А.Х.Саидов

Т.Ў.Арипова

Қ.Р.Аллаев

С.М.Туробжонов

И.С.Саифназаров

Н.Х.Обломуродов

Г.А.Мардонова

**Манзилимиз: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-уй**

**Тел: (+99871) 233-09-21; (+99899) 833-62-71**

## УСМОН ҚЎЧҚОРНИНГ “ЛАЗИЗЖОН МАРСИЯСИ” ШЕЪРИ ХУСУСИДА

**Насиба Бахтиёрвна НОРОВА**

таянч докторант

Бухоро давлат университети

Бухоро, Ўзбекистон

### Аннотация

Мақолада ўзбек шеърятининг йирик вакилларида бири Усмон Қўчқор лирикасининг ўзига хослиги ва марсия жанрининг шоир ижодида тутган ўрни ҳақида фикр юритилган. Шоирнинг марсия яратиш маҳорати мисоллар асосида кўрсатиб берилган. Усмон Қўчқорнинг “Оғир қарвон” шеърини тўпламидан ўрин олган “Лазизжон марсияси” шеъри таҳлилга тортилган.

**Таянч сўзлар:** шоир, лирика, марсия, мадҳия, маҳорат, жанр, поэтика.

## О СТИХОТВОРЕНИИ УСМАНА КУЧКАРА “ЛАЗИЗЖОН МАРСИЯСИ”

**Насиба Бахтиёрвна НОРОВА**

базовый докторант

Бухарский государственный университет

Бухара, Узбекистан

### Аннотация

В настоящей статье речь идет о своеобразии лирики одного из крупных представителей узбекской поэзии Усмана Кучкара и роли жанра “марсия” в творчестве поэта. На конкретных примерах раскрывается мастерство поэта по созданию стихотворений в этом жанре. Анализируется стихотворение Усмана Кучкара “Лазизжон марсияси”, вошедшее в стихотворный сборник “Оғир қарвон” (“Тяжелый караван”).

**Ключевые слова:** поэт, лирика, марсия, мадҳия, мастерство, жанр, поэтика.

XX асрнинг 70 йилларида ижод қилган аксарият шоирлар ижодида марсия жанрининг ранг-баранг намуналари учрайди. А.Ориповнинг “Онам вафотига”, О.Ҳожиеванинг “Жияним Фотимани эслаб”, “Онамга”, С.Салимнинг “Йўқотилган китобларга марсия”, Ҳ.Худойбердиеванинг “Отам хотирасига”, “Сизга ишонардим”, Жамол Камолнинг “Алвидо”, “Акам Олим Бойжонов хотирасига”, М.Юсуфнинг “Марсия”, “Илс”, У.Қўчқорнинг “Лазизжон марсияси”, Э.Шукурнинг “Йўқлов” марсиялари шулар жумласидандир. Маълумки, марсия – мотам элегияси. Яъни унда

ўлим билан юзлашилади. Бугун умумбашарий ғояларнинг барҳам топиши, инсоний туйғуларнинг йўқолиши ҳам ўлим эканлиги сир эмас. Бирок барибир энг катта йўқотиш – бу инсондир. Бундай кечинма Одам атодан то ханузга давом этмоқда ва ўз навбатида адабий тафаккурда ҳам ўз аксини топмоқда.

Инсон ҳамиша яшаш учун курашади. Қисматига ёзилган оқ ва қора кунларининг сарҳисобини қилади. “Усмон Қўчқор ҳам бирданига шоир бўлиб шакллангани йўқ. Унинг ижод йўлида ҳам пасту баландлик, муваффақиятсизлигу муваффақият ўрин алмашиб турган” [8;140], деб ёзади адабиётшунос Иброҳим Ҳаққул. Чунки бир неча бор ҳаёт шоир сабр-бардоши, матонатини имтиҳондан ўтказди. Мана шу синовлар, икки ўғлидан айрилган ота образи “Лазизжон марсияси” шеърисида ўзига хос тарзда гавдалантирилади.

Мазмун-моҳияти, шакл-тузилишига кўра марсиялар бир неча турга бўлинади [1;106]. “Чой момо” ва “Ё, Ҳайдар” каби халқ кўшиқлариданоқ фарзанд ўлими мотивлари бошланган бўлса-да, бирок адабиёт тарихида ҳам ўз ўғли вафотига бағишлаб ёзилган “йиғи-йўқлов”лар сони санокли ва таъсири салмоқлидир. Усмон Қўчқорнинг “Лазизжон марсияси” ўзбек шеърисидаги мана шундай ғамгин кўшиқлардан бири ҳисобланади. Шоир таъкидлаганидек, “ўлим”нинг ўз танлови, унинг ўз раъй-равиши бор:

*Ҳеч кимса ажалдан муҳлат сўрмагай,*

*Ажал ҳам ҳеч кимнинг сўрмас раъйини.*

*Мусибат хонадон танлаб юрмагай,*

*Чақмоқдай куйдирар тушган жойини [7; 31].*

Мусибат хонадон ёки миллат танламайди. У шундай дардди, тушган жойини куйдиради. Ўлимнинг чақмоққа қиёсланишида ўзининг бир бўлаги бўлган фарзанди дилбандидан айрилган отанинг айрилиқ ҳисси ва шоирона тафаккур маҳорати муштараклашган. Зеро, чақмоқда кутилмаганлик, фавқулоддалик ва ногоҳоний ўрташ бор. Ўлим ва чақмоқ контрастида ўзига

хос рамзий маъно бор. Чақмоқ тушган жойини куйдиради ва бир лаҳзалик ходиса. Фарзанд ўлими жигарни ўпқондай тешиб кетади, ажалнинг чақмоққа ўхшатилиши – фарзанднинг қисқа умр кўрганлигига ҳамда чақмоқ сингари инсон руҳиятининг ўзгаришига ишора.

*Бош эгиб келади дўсту биродар,*

*Тилда на калому на салом-алик.*

*Фақат битта сўзга етгай ирода:*

*– Бандалик... Бандалик... Бандалик...*

*Жавоб бер, Худойим, жавоб бергил, гайб,*

*Бир қарганг уч юз йил яшаб юрганда,*

*Саккиз ёш гўдакда нима эди айб?!*

*– Бандалик... Бандалик... Бандалик... Банда...*

Ўзбет тилининг изоҳли луғатида “бандалик” сўзининг бир нечта маънолари изоҳланган. Шулардан бирида “Вафот этган кишининг яқинларига таъзия изҳор қилишда айтиладиган сўз; “афсус, вафот қилибди” маъносида” [5;469] ишлатилиши ёзилган. Бунда таъзияга келувчи ва мотамсаро кишининг руҳий ҳолати акс этади. Бош эгиб дўсту биродарлар бандалик деб келишади. Ғамнинг адоғи бору, фарзанд доғининг адоғи йўқ дейди шоир. Гарчанд лирик қаҳрамон қисмати шоирнинг ўз тилидан баён қилинаётган бўлса-да, бутун бошли фарзандидан айрилган ота-оналар тилидан янграётган аччиқ фарёд бўлиб янграйди ва умумбашарий моҳият касб этади. Албатта, айрилиқ оташидан туғилган бир исён ҳам шеърда кўзга ташланади. Бироқ бу марсия автобиографик характерга эгалигини унутмаслик керак. Бунда таъзия изҳорларини қабул қилаётган ота портрети тўлақонли кўрсатилган.

Ўлим ёш билан қарига, шоҳ билан гадога тенг. Инсон бу фоний дунёда меҳмон. Ўлим мотиви халқ оғзаки ижодида, мумтоз шеърятимизда ҳам учрайди. Аммо мумтоз шеърятдаги – “*Муту қобла ан тамуту*”, яъни “*Ўлмасдан бурун ўлинг*” қудсий ҳадисидан кўзланган мақсад тамоман бошқа эканлигини тушуниш лозим [1;141-145] Фақат айтиш мумкинки, мана

шундай нафс ўлими даражасига кўтарилиб, покланишда “Лазизжон марсияси” каби шеърлардаги кечинмалар ҳам бир воситадир.

*Гарчи бу дунёда мен ҳам фонийман,  
Лекин гўдак умри берилса божга,  
Бандалик бандангни тўйдирди дейман  
Бир нафас айланиб Мансур Ҳалложга.*

Ўлим бу – ҳақ. Ҳамма ҳам бу фоний дунёдан эртами-кечми вақти соати етганда паймонаси тўлади. Бироқ инсонлар сабабларга боғланиб қолган. Шу боис баъзи ҳодисалар халқ томонидан “ўз ажали билан ўлмади” деган ҳасрат билан баҳоланади. Бунга албатта, ижтимоий ҳолат аҳамиятлидир. Мансур Ҳаллож талмеҳи ҳам ана шунинг учун танланган. Исёнкор туйғулар мана шу нуқтада Мансур Ҳалложни хотирлаш билан бироз тингандай бўлади. Аслида қисматга бўйинсуниш, тақдирга ризолик, Аллоҳдан умидворлик, охиратдаги дийдор орзуси – барчаси Мансур Ҳаллож талмеҳида мужассамлашади.

*Гўдаклар ўлими кексалардан кўп,  
Бу бедод фалакнинг бу нечук маҳви?  
Гулдайин гўдаклар кетмоқда тўп-тўп,  
Ҳақимлар саҳвими, ҳоқимлар саҳви?*

Кейинги мисралардаги “гулдай гўдак” сифатлаши, болаларнинг беғуборлиги, беғуноҳлиги, соддалигига ишора. Болаларнинг ўлими, катталарнинг ўлиmidан кам эмаслигини таъкидланади.

*Шаккок дея, майли, менга уринг дўқ,  
Умрим йўқлик сари елмоқда, ўғлим,  
Бугун бандаликка банди эмас, йўқ,  
Худо бўлгим келмоқда, ўғлим.*

Ҳеч ким ўз жигаргўшасидан, яқинларидан ёшми, қарими ажралгиси келмайди. Немис шоири Гёте айтганидек “Туғилмоқ – ўлмоқ сари қўйилган илк қадам”. Бу ҳаёт ҳақиқатини тан олишга ҳамма мажбур. “Худо бўлгим келмоқда, ўғлим” деганида ўғли билан дийдорлашишни кўзда тутгандир

шоир. Умуман, шеър ҳоллар инъикоси. Шу боис уни шарҳлаш, изоҳлаш ҳар доим ҳам ўзини оқлайвермайди. Баъзан ҳолдошлик билан кифояланиш ёхуд англай олмаслик сукути билан қаноатланиш лозим.

Шеърнинг иккинчи қисмида туйғуларнинг энг кулминацион ифодасини кўриш мумкин.

*Мен сенга тиз чўкдим, аввало,*

*Кўзёш билан дардимни ёздим.*

*Тупроқ, сенга қилдим тавалло,*

*Тупроқ, сенга юзимни босдим.*

Ушбу мисраларда шоир эътиборни иккита образга қаратади. Биринчиси, фольклоршуносликда қайта тирилтирувчи маъносини берувчи кўзёш. Иккинчиси ҳамма нарсани бағрига сингдирувчи тупроқ. Навбатдаги мисралар ота бағридан тупроқ оғушига ўтган фарзанд доғи ҳамда тупроққа дўниш қисмати акс этган.

*Ота тупроқ деб айтган эдим,*

*Она тупроқ деган эдим, ҳай.*

*Ватан тупроқ деб айтган эдим,*

*Болам тупроқ, деб қандай айтай?*

“Тасаввуф ва шеърят” китобида тупроқнинг муқаддаслиги таъкидланиб, “Тупроқ нима?” деган саволга қуйидагича жавоб берилади. “Тупроқ – Ватан. Тупроқ неча юз йиллардан буён не-не улуғ фарзандларини кучоғига босиб келаётган мушфиқ замин. Шунинг учун биз уни эъзозлаб она тупроқ деймиз. У олис аждодларга оналик қилган. Ота-боболаримизнинг онаси бўлган. У бизнинг онамиз. Ва келажак наслларнинг онаси бўлажак” [9;61]. Шунинг учун шоир ҳам *Ота тупроқ, Она тупроқ* каби бирикмалардан фойдаланган. Тадриж санъатини қўллаб, бежизга тупроқ сўзига ишора қилмаган. Инсон тупроқдан яралган ва тупроққа қайтади ақидасига амал қилган.

*Мен ҳақ йўлни йитирдим, ўғлим,*

*Қоришганда ёлгон билан рост –*

*Боболардан мерос бу ўлим*

*Бўлар экан фарзанддан мерос.*

Ўлим ҳақидаги мақоллар ғоясига кўра: а) ўлимнинг кутилмаганда юз бериши («Ўлим қош билан қовоқнинг орасида юради»); б) ёшлар ёки фарзанд ўлимнинг даҳшати, аянчлилиги, ота-она ўлими инсонга мерос эканлиги («Ота-она доғи оз – моз, фарзанд доғи қўймас», «Қари ўлса давлат, ёш ўлса қиёмат») [6;26] каби мақолларнинг маъноси берилади.

Ўлим боболардан мерос, аммо фарзанддан мерос эмас, шу боис шоир калбидаги айрилик азоби кенг миқёс касб этади. Бу оғир юк. Бу кўз ёшни зардобга айлантирадиган юк. Юракларни умрбод ёндирадиган юк. Нега бир қарға 300 йил яшаб юрганда, болаларга бундай қисматни раво кўрасан, деб ҳарчанд нола-ю фарёд қилмасин, лирик қаҳрамон бироқ тақдир ҳукмига, пешонага ёзилган битикка иқрор бўлади.

*Дардим зардоб ёшга айланар,*

*Ёниб ётар ичимда оҳим.*

“Йиғиларнинг энг асосий хусусияти, унинг йиғлоқи, мунгли оҳангда овоз солинган ҳолда куйланиши ва махсус ҳолатларга кириб ижро этилишида кўринади. Жумладан, ўлик устида йиғини куйлаётган аёллар, одатда кўзини юмиб, оғзини доқа рўмолча билан тўсиб туриб куйлайди... Йиғиларнинг асосий ижодкорлари ва ижрочилари аёллардир. Бироқ эркаклар томонидан яратилган ва куйланадиган йиғилар ҳам бор. Улар “ўғилнинг отага ёки онага йиғиси”, “эрнинг хотинига йиғиси”, “уканинг акага йиғиси” тарзида туркумланади” [6;15]. Ушбу фикрлардан кўриниб турибдики, демак, отанинг фарзандига йиғиси ифодаланган йиғилар ҳам яратилаётганлигини “Лазизжон марсияси” яққол кўрсатади. Ҳақиқатан ҳам эркак киши аёллардай овоз солиб йиғламайди. Унинг дарди яширин, ҳар бир нафасида ғамнинг иси бор.

*Бир кун бориб ҳолинг сўрарман,*

*Гофил отанг гофил қолди, бас.*

*Мен босриқиб тушлар кўрарман,*

*Ҳеч ким мени уйғота олмас...*



Ўлган кишини қайта кўришнинг иложи йўқ. Шунинг учун шоир туш образидан фойдаланади.

“70-80-йилларда ўзбек шеъриятида марсия деб аталмасада, йўқлов тарзида яратилган...асосан йўқлов жанрининг стилизацияси асосида юзага келган” [3;106].

Шу ўринда, М.Юсуфнинг сарик касаллиги туфайли вафот этган икки ёшли жияни хотирасига бағишланган “Илёс” (1988) марсияси ёдга тушади. Шоир шифохонада керакли дори топилмаганлиги сабабли, малҳам кутиб жовдираб қолган, ҳали эндигина тили чиққан боланинг айтилмаган сўзларини кўзлар образида жонлантиради. Ижтимоий муаммолардан сўз очиб, тиббиётнинг оқсаётган оғрикли нуқталарига эътибор қаратади.

*...Йиғлаб-йиғлаб юумилдими қарогинг,  
Кафтимни куйдирар қолган мунчогинг,  
Кўксингда кетдими ёлғиз сўрогинг,  
Илёс, кўзларингдан айланай сенинг! [4;139]*

Фарзанд изтироби гўё Усмон Қўчқор асарларида сочилиб кетгандек. Шоирнинг “Қиёмат” романи таъсирида ёзилган шеърида ҳам ҳайвон образи орқали фарзанд айрилиғи изтироблари тасвирланади.

*Мўйинқум бағрида ухлайди насим,  
Юлдузлар кўзини ёшлаб ухлайди.  
Ҳеч кимга ишонмас бўри боласин,  
Боласин тишига тишлаб ухлайди [7;37].*

XX аср бадий-эпик тафаккури даҳоси Чингиз Айтматов асарларида ижтимоий-фалсафий муаммолар, жамият психологияси, инсоннинг ички руҳий олами Усмон Қўчқорнинг ҳам назаридан четда қолмаган.

Усмон Қўчқор шеърларидаги эзгинлик, ҳақгўйлик, соддалик, самимийлик каби сифатларлар шахсиятидан кўчган. Бир эмас икки ўғлини йўқотган отанинг руҳий ҳолатини тасвирлашда шоирнинг ички туйғулари ҳам бевосита шеърий сатрларга сингиб, инсоннинг, жамиятнинг дардига айлангани яққол кўринади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Раҳмонова З. Ишқ, ирфон ва иршод. – Тошкент: Тафаккур томчилари, 2021. – 262 б.
2. Хотамов Н. Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – 362 б.
3. Шарипова Л. XX асрнинг 70-80 йиллари ўзбек шеъриятида фольклоризмлар. – Тошкент: Фан, 2011. – 152 б.
4. Юсуф, Муҳаммад. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 2014. – 288 б.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – 688 б.
6. Ўраева Д. Ўзбек мотам маросими фольклорининг жанрий таркиби, генезиси ва бадиияти: Фил.фанлари доктори... дисс. автореф – Тошкент, 2005. – 28 б.
7. Қўчқор, Усмон. Оғир қарвон. – Тошкент: Гафур Гулом, 1991. – 128 б.
8. Ҳаққулов И. Бедор юрак иқболи: филологиянинг долзарб масалалари. – Тошкент: Турон-иқбол, 2021. – 464 б.
9. Ҳаққулов И.Тасаввуф ва шеърят. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. – 184 б.

<b>Д.У.ХАШИМОВА, Н.Ж.НИЯЗОВА.</b> Социоллингвистические факторы проникновения лакун одного языка в другие в условиях многоязычия-----	171
<b>З.Т.МУСИНОВА .</b> К вопросу о типовой дифференциации фразеологизмов русского языка-----	184
<b>М.ЎРАЗБАЕВА.</b> Бадий тафаккурдаги янгиланиш ва аёл образи талқинидаги ўзига хослик-----	192
<b>С.Т.ИСРАИЛОВА.</b> “Кўк” лексемасининг семиотик тавсифи-----	204
<b>Ш.НОРОВА.</b> Асқад Мухторнинг “Чинор” романида қўлланилган фразеологик бирликларнинг лингвопоэтик хусусиятлари-----	214
<b>С.Х.АЗИМОВА.</b> Анализ речевого акта "Выражение отказов" как способ понимания узбекско, русско и англо-говорящих людей-----	222
<b>Н.Б.НОРОВА.</b> Усмон Қўчқорнинг “Лазизжон марсияси” шеъри хусусида-----	231
<b>У.САНАҚУЛОВ.</b> Навоий ғазалиётида оҳу ва кийиклар поэтикаси талқинига доир-----	239
<b>И.ДАРМОНОВ.</b> Ўзбек шомон афсоналари ва уларнинг ўрганилиши-----	246
<b>Н.И.ХУРСАНОВ.</b> Драматик асарларнинг дискурсив таҳлили-----	255
<b>О.Н.СИДДИҚОВА .</b> Воҳанинг ойконимика билан боғлиқ афсоналари--	264

### *Фалсафа*

<b>Г.Т.КАБУЛНИЯЗОВА, А.Т.БОЙДАДАЕВ.</b> Шри Ауробиндо Гхош ва Анри Бергсоннинг ижодида онг концепциясига иррационал ёндашувлар-----	272
<b>А.Қ.САЛОХОВ.</b> Аҳмад Дониш фалсафий меросида бағрикенглик ғояларининг талқини-----	280
<b>Ж.А.ЖАББОРОВ.</b> Замонавий технологиялар ва интернетнинг маънавий эҳтиёжлар юксалишига таъсири-----	287

### *Тарих*

<b>Х.МАМАДАЛИЕВ.</b> Россия истилоси арафасида Фарғона водийси шаҳарлари-----	295
<b>З.О.ЭШМИРЗАЕВ.</b> Туркистон ўлкасига темир йўлнинг кириб келиши тарихи ҳамда унинг ўлка ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти-----	309